O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 30 май, № 102 (3901) Сешанба

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ, МУҲТАШАМ

Жазирамада йўл юриб ҳориган йўловчи довдарахтга рўбарў келганда қанчалик қувонишини тасаввур қилинг. У дарахт соясида ором олиш, шукрона айтиш баробарида, шу ерга ниҳол қадаган инсонни ҳам алқаши табиий. Дунёда бу каби савобли амаллар кўп. Халқимиз наздида, уларнинг энг хайрлиси ва энг қадрлиси кўпчиликка фойдаси тегадиганидир. Бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам эл корига яраш, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек эзгу мақсадлар намоён.

Айни кунларда пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган кўприклар, йўл ўтказгичлар ва ер ости йўлларини санаб, саноғига етмайсиз. Улар шаҳардаги транспорт қатновини яхшилашда ўзига хос аҳамиятга эга.

Яқинда ана шундай яна бир иншоотга пойдевор қўйилди. Тошкент шаҳридаги Кичик ҳалқа йўли билан Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси кесишадиган жойда улкан йўл ўтказгич қурилиши бошланди. Эни 30, узунлиги 374 метрни ташкил этадиган мазкур иншоотни "Автомагистраль" махсус йўл қуриш ва таъмирлаш бирлашмасига қарашли "Йўлкўприк қуриш ва фойдаланиш бошқармаси" ишчилари барпо этишмоқда.

— Илгари бу чорраҳада кўчаларнинг саккиз қатор йўналиши ўзаро кесишарди, — дейди бирлашма иш бошқарувчиси Евгений Ассорин. — Ҳаракатланишда ноқулайлик сезиларди. Автоҳалокатлар содир бўлиши эҳтимоли юқори эди. Бу йўл ўтказгич қурилиши автомобиллар ва пиёдаларга қулайлик яратиши билан бирга, хавфсизликка ҳам хизмат қилади.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, транспорт воситалари ҳаракатланган пайтдагидан кўра тўхтаб турганда кўпроқ тутун чиқараркан. Демак, автотранспортлар ҳаракатидаги узвийликни таъминлайдиган бундай йўл ўтказгичлар атроф-муҳит мусаффолигига ҳам хизмат қилади.

Қувонарлиси, ҳар томонлама фойдали бўлган бу тажриба Ўзбекистон шаҳарсозлигида анъанага айланиб улгурди. Бугун мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар кўчаларнинг кенг ва равонлигига ҳавас билан қарашмоқда. Ўз юртларида тиғиз йўллару турнақатор автомобиллар қатновидаги тиқилинчни кўриб ўрганган одам учун бу ҳол ҳайратланарли, албатта.

Мустақиллик иншоотлари



Е. Ассориннинг таъкидлашича, бу ерда иш ҳозир икки сменада олиб борилаяпти. Юздан ортиқ ишчи, муҳандис ва элликка яқин қурилиш техникалари тиним билмай ишлаяпти. Ҳозир пастки қатламни бетонлаш ва устунлар ўрнатиш ишлари якунланиб, плиталар ётқизишга киришилди. Қурувчилар ушбу иншоотни мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрамига совға қилишга аҳд этишган.

Қурилиш майдонини кўздан кечирар эканмиз, бу ерда қисқа муддатда амалга оширилган ишларни кўриб, қурувчилар, албатта, ўз сўзларининг устидан чиқишига ишондик.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: йўл ўтказгич қурилишида.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Сенатида

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Келишув процедуралари" мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Унда Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, ўқув муассасаларининг олимлари, ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ

қандай ташкил этилади?

Семинарни Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова кириш сўзи билан очиб, тренинг мавзусини танлашдан мақсад мамлакатимиз парламентининг қонун ижодкорлик фаолиятида янги институт — келишув комиссиясини амалиётда қўллашнинг илмий-назарий тизимини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, қонунчиликка мувофиқ, Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича парламент палаталари Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан вужудга келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини ташкил этиши мумкин. Келишув комиссияси фаолиятини амалга ошириш учун эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби" ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бироқ, семинар-тренинг қатнашчилари таъкидлаганидек, мазкур янги ҳуқуқий институт амалиётга киритилиши ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш ва атрофлича фикр алмашишни талаб этади.

Тадбирда келишув комиссиясининг ҳуқуқий асослари ва илмий-назарий жиҳатларини очиб беришга, қонунчилик жараёнида келишув процедураларини такомиллаштиришга бағишланган маърузалар тингланди. Шунингдек, парламентнинг қонун ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш учун долзарб ҳисобланган келишув процедураларининг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам эътироф этилди.

Семинарда муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонунчилик палатаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиб туради. Қуйи палата депутатларининг фаолияти ва жойларда қонунларнинг ижросини таъминлаш, шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш борасида маърузалар ўқилиб, мутахассислар билан фикр-мулоҳазалар алмашинилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ

Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан 27 май куни ана шундай давра суҳбатларидан бири бўлиб ўтди.

«Ҳуқуқий давлат барпо этишда суд ҳокимиятининг ўрни» мавзуида ўтказилган ушбу анжуманда депутатлар билан бирга Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари — фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (шаҳар) судлари раислари, хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишди.

Тадбирда қатнашчилар юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичида парламент олдида турган вазифалар, ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасида қонунчиликда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, анжуманда жамиятда қонунийлик ва адолат ўрнатишда суд ҳокимиятининг ўрни ҳамда роли муҳим экани қайд этилди, судларнинг мустақиллигини таъминлаш, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаатлари, эркинлиги ва ҳуқуқини муҳофаза қилиш самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди. Суд ҳокимиятининг мавқеи ва обрўсини ошириш, авваламбор, улар қабул қилган қарорларнинг ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишига боғлиқлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати қатнашчилари бундай тадбирларнинг ўтказилиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими фаолиятининг самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Салим ДОНИЁРОВ.

Сўнгги соатда

Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадасида олтинчи ва еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Пешқадамлик сари навбатдаги қадам

Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси олтинчи турда Арманистон шахматчиларига қарши дона суришди. 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шахмат оламида ўз ўрнига эга бўлган Левон Аронян билан дуранг натижага эришди. Антон Филиппов Карен Асрян, Сергей Қаюмов эса Габриэль Саркисян билан дуранг ўйнади. Фақат Алексей Барсов Владимир Акопянга имкониятни бой берди. Умумий ҳисоб 2,5:1,5 ҳисобида арманистонликлар фойдасига ҳал бўлди.

Еттинчи турда ҳамюртларимизга Бразилия шахматчилари рақиб бўлишди. Бу турда Темур Гареев Жилберто Милос Жуниорни, Сайдали Йўлдошев Такеда Фиер Александер Хилариони мағлубиятга учратди. Алексей Барсов Жовани Вескови, Антон Филиппов эса Жайме Сунье Нето билан дуранг ўйнади. Умумий натижа — 3:1 ҳисобида Ўзбекистонликлар фойдасига.

Еттинчи турдан сўнг шахматчиларимиз 19 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди. Арманистон шахматчилари 21 очко билан биринчи, Россия вакиллари 20 очко билан иккинчи ўринни банд этишган. Куба жамоаси 19,5 очко жамғариб учинчи ўриндан жой олган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзу муҳокамаси

Анжуман

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлди. Россия, Қозоғистон ва Тожикистон олий ўқув юртларининг аграр соҳа билан шуғулланувчи олимлари таклиф этилган мазкур анжуманда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш муаммолари билан боғлиқ илмий маърузалар тингланди, амалий тажрибалар таҳлил қилинди.

Икки кун давом этган конференциянинг ялпи мажлисида, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг умумий масалалари кўриб чиқилган бўлса, шўъба йиғилишларида «Хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва маркетинг хизмати», «Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари», «Солиқ, ҳисобкитоб ва кредитлаш механизмини такомиллаштириш», «Инновация ва инвестиция масалалари», «Иқтисодиётни математик моделлаштириш ва ахборотлаштириш», «Иқтисодий экология ва ижтимоий муаммолар» каби аниқ йўналишлар бўйича илмий мулоқотлар бўлди.

Аграр соҳада туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда тўпланган бой тажриба, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, бу борада Қашқадарё вилоятида эришилган натижалар, айниқса, конференциянинг чет эллик қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз.

Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида "Қудратимиз — дўстлик ва ҳамжиҳатликда" шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги миллий маданий марказлар ҳамда туман ва шаҳарлардан ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари иштирок этди.

ҚУДРАТИМИЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Юртимизда 130 дан зиёд турли хил миллат ва элат, ўндан ортиқ диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Қонунчилигимизда уларнинг тили, дини, урф-одати ва анъаналарининг ҳурмат қилиниши белгиланган. Айни пайтда жойларда бир қатор миллий маданий марказлар ҳам фаолият кўрсатаётир.

Биргина Фарғона вилоятида саккизта ана шундай марказ иш олиб бормоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб кишилар вилоятнинг ҳар томонлама ривожланишида муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Улар орасидаги ҳамжиҳатлик Фарғона, Сўх туманлари ҳамда Қувасой шаҳрида ўтказилган дўстлик фестивалларида янада яққол намоён бўлди.

Вилоят фестивали ҳам кўнгилларни бирбирига янада яқинлаштирди. Татар, қирғиз, яҳудий, славян, корейс миллий маданий марказларининг тайёрлаган кўргазмалари, бадиий-маданий дастурлари йиғилганларга манзур бўлди. Турли тилларда янграган қўшиқлар, дилрабо рақслар барчага хушнудлик бахш этди.

— Ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги, одамохунлиги, меҳмондўстлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди вилоят немис миллий маданий маркази раҳбари Нина Айхвалд. — Бу элга хос эзгу фазилатлар мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча одамларнинг табиатига сингиб кетган. Бугунги тадбир барча юртдошларимизнинг орзу-истаклари, мақсадлари муштарак эканини яна бир бор исботлади.

Фестивалда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Нурматов иштирок этди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон автомобиллари Киев автосалонида

Украина пойтахтида ўтаётган 14-Киев халқаро автосалони – SIA 2006 павильонларида дунёнинг 30 мамлакатидан қарийб 900 та компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Янги русумдаги кўплаб автомобиллар учун ўзига хос старт майдончасини ўтовчи бу кўрикдан сўнг унда намойиш этилган аксарият автомобиллар Украина йўлларига чиқади.

"Украина Экспомаркази"да машҳур Aston Martin DB9 Coupe, Citroen C6, Dadi Shuttle, Ferrari 612 Scaglietti, Hyundai Accent, Nissan 350 Z автомобиллари билан бир қаторда "ЎзДэуАвто" корхонасида ишлаб чиқариладиган "Нексия" ва "Матиз"лар ҳам намойиш этилмоқда. Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазма марказининг энг йирик павильонида жойлашган бўлиб, улар украиналик мутахассис ва автомобилсозлар томонидан энг катта қизиқиш билдирилган экспозициялардан бири бўлди.

Юртимиз автомобилсозлари мазкур нуфузли кўрикда иккинчи маротаба иштирок этишаётир. 2003 йили бу ерда "Матиз"лар билан бир қаторда Самарқанд автозаводининг "ЎзОтайўл" автобуслари ва улар шассиси негизида бунёд этилган "Нон ташувчи" машинаси, ўт ўчириш машинаси ҳамда эвакуатор намойиш этилган эди.

Айтиш жоизки, Украинада "Нексия" ҳамда "Матиз"ларга бўлган талаб катта ва у мунтазам равишда ошиб бормоқда. Жорий йил Украина бозорида сотилган ўзбек автомобилларининг сотилиши ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш баробарга ошган. Автомобилларимиз Украинанинг Киев, Львов, Донецк, Днепропетровск сингари йирик шаҳарларида айниқса ҳаридоргир. Уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш йўлга қўйилган, дистрибьютерлик тармоғини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ҳозирги пайтда Украина автомобиль бозори жуда чаққон. Ўтган йили мамлакатда 265 мингта янги енгил автомобиль сотилган, бу 2004 йилгига нисбатан 25 фоизга кўпдир. Тахминларга кўра, сотилган автомобиллар сони жорий йилда 280 минг донадан ошиб кетади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон автомобиллари Украина бозорида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

"Жаҳон" АА.

Бундан олти йил илгари Зарафшон шаҳрида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Велан" қўшма корхонаси ташкил этилган эди.

«ВЕЛАН»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Бу ерда Томди, Учқудуқ, Конимех ва Нурота туманлари чорвадорлари томонидан етиштирилган туя жуни қайта ишланиб, миллий ҳунармандчилик анъаналари асосида саксон хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган кўрпа, адёл, ёстиқ ва турли иссиқ кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлмоқда. Махсус белбоғ, бўйинга ва оёққа ўраладиган бойламалардан остеохондроз ва ревматизм касалликларини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Айни пайтда қўшма корхона маҳсулотлари хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

БУХОРОЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

БУХОРО (ЎзА мухбири Э.ЁДГОРОВ).

Вилоят пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Ҳозиргача қабул пунктларига икки ярим минг тоннадан зиёд хомашё етказиб берилди. Бу ўтган йилдагидан уч юз тонна кўп демакдир. Эришилган муваффақиятда Ромитан, Бухоро, Когон тумани пиллакорларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Бу йил 49 мингдан зиёд пилла етиштирувчи бевосита қайта ишловчилар билан шартнома тузди. "Хвашен", "Ромитантола" ва "Ромстир" корхоналари шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш асосида пиллакорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.

Ўтган ҳафтага назар

Дунёда содир бўлаётган турли воқеалар замон шиддатини янада тезлаштирмоқда. Албатта, ўтаётган ҳаётимизда ҳар биримиз нимадир қилишга, ортимиздан яхши гап қолдиришга ҳаракат қиламиз. Ўтган ҳафтада мамлакатимизда рўй берган воқеаларга назар ташлар эканмиз, юртимиз ҳаётида ҳам эсда қоларли излар қолганига гувоҳ бўламиз.

САМАРАЛИ КЕЧГАН КУНЛАР

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сешанба куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Немис иқтисодиётининг шарқий қўмитаси раиси Клаус Мангольдни қабул қилди. Давлатимизнинг ташқи дунё билан муносабатларида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳар доим биринчи вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Клаус Мангольд раҳбарлигида бир гуруҳ германиялик тадбиркорларнинг юртимизга ташрифи икки давлат иқтисодий алоқалари кенгайишига янги суръат бағишлаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётига хориж инвестициясини жалб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эътироф этиш керакки, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларида импортга нисбатан экспорт ҳажмининг ўсиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. 2005 йилда бу борадаги умумий миқдор қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Германиялик ишбилармонлар ўз сафарлари давомида Самарқанд ва Сурхондарёда бўлишиб, мамлакатимиз тадбиркорлари билан юзма-юз учрашдилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари каби қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасида музокаралар олиб боришди.

Шу ўринда мазкур қўмита ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси 1952 йилда Германиядаги қатор корхоналар ва ишбилармон доираларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Мазкур жамоатчилик органи турли соҳаларда фаолият юритаётган бир ярим мингдан ортиқ компания ва корхоналарни ўзида бирлаштирган.

Ўтган ҳафтада 2005-2006 ўқув йили якунига етди. 25 май куни мамлакатимизнинг барча мактабларида сўнгги қўнғироқ чалинди.

Юртимизда барча соҳалар каби халқ таълимида ҳам кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мактаблар босқичма-босқич капитал таъмирдан чиқарилмоқда, янгилари барпо этилмоқда. Уларнинг моддий-техникавий базаси янгиланаяпти. Эндиликда ўқувчилар сўнгги русумдаги компьютерларда, замонавий лабораторияларда ишлашни пухта эгаллашмоқда. Спорт иншоотларида жисмонан баркамол бўлиб тарбия топишаяпти. Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, ўқувчиларнинг 36 фоиздан ортиғи дарсдан сўнг турли спорт тўгаракларига қатнаяпти.

Футбол оламининг етакчи ва донгдор жамоаларидан бири «Пахтакор»нинг 50 ёшга тўлиши юртимизда спорт байрамига айланиб кетди. Шу давр мобайнида жамоада кўплаб машҳур футбол юлдузлари тўп суришиб, мамлакатимизнинг бир неча миллионли футбол мухлисларига унутилмас ғалаба онларини туҳфа этди.

Ушбу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримов «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига табрик йўллади. «Айнан «Пахтакор» жамоаси ўзбек футболининг етакчи намояндаси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-минглаб ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида тўп сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз» дейилади мазкур табрикда.

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Ўтган ҳафтада «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори матбуотда эълон қилинди.

Тан олиш керак, шу пайтга қадар тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган шахслар ўз фаолиятларини ташкил этишда ҳамда давлат рўйхатидан ўтишда турли бюрократик тўсиқ ва суныий ғовларга дуч келиш ҳоллари кузатиларди. Мазкур қарорда рўйхатга олиш муддатини қисқартириш ҳамда кетадиган маъмурий сарф-харажатларни камайтиришга алоҳида эътибор берилган. Эндиликда ишбилармонлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда тегишли тартибда рўйхатдан ўтиш учун бор-йўғи икки иш кунида барча зарурий ҳужжатларга эга бўлишади.

Кувайт миллий университетида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда мазкур давлат ҳукумати ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, университет профессор ва ўқитувчилари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Ш.Ёвқочев раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг мазкур асари араб тилида ўз вақтида нашр этилганлиги айни муддао бўлганлигини, демократия барпо этишнинг ягона шарти йўқлиги ва Ғарб қадриятларини зўравонлик билан мусулмон мамлакатларига экспорт қилишга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидладилар. Тақдимот маросими ушбу мамлакатнинг маҳаллий ва марказий телеканаллари орқали кенг жамоатчиликка етказилди.

Кунлар кетидан ҳафталар, йиллар ўтаяпти. Яна бир неча ойдан сўнг мамлакатимиз истиқлолининг шонли 15 йиллигини нишонлаймиз. Бир нарсани қувонч билан эътироф этиш лозимки, ўтаётган ҳар бир кунимиз беиз, бесамар кетмаяпти. Буни ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳаётида рўй берган воқеалар силсиласи яна бир карра исботлади.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳнат — саодат калити

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш борасида кенг кўламдаги вазифалар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кучайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўқонлик тадбиркор Дилшод Абдулҳамидов ҳам юқорида қайд этилган ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳардаги "Улуғбек" ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, 20 нафар маҳалладоши бошини жамлади. Яъни, касаначилик йўлга қўйилиб, корхонадан олинаётган хомашёлардан 6 турдаги пайпоқлар тўқилмоқда.

СУРАТДА: касаначи Муаззам Марасулова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб

Ҳаётимизда ёғоч ва тахта маҳсулотлари ишлатилмайдиган тармоқни топиш қийин. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, собиқ иттифоқ даврида республикамизга ҳар йили четдан ўртача 5 миллион куб метр ёғоч-тахта олиб келинган. Ҳозир эса бу кўрсаткич 500-600 минг куб метрни ташкил этади. Агар буни пулга чақадиган бўлсак, 50 миллиард сўмдан иборат бўлади. Демак, ҳар йили шунча маблағ хорижга чиқиб кетмоқда.

Энди бир ўйлаб кўринг: оддий чўпни ерга суқиб қўйсангиз, униб чиқадиган заминимиз бор экан, нима учун ўша маблағни четга сарфлашимиз керак?

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоғ дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айтиш мумкинки, бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ, афсуски, ўн йилга мўлжалланган ҳамда республикамизнинг ёғоч-тахта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни кўзда тутган мазкур қарор талаблари тўлиқ бажарилмади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан 2005 йил 13 февралда терак, манзарали ва мевали кўчатларни экиш бўйича қўшимча топшириқ берилди.

Бу ҳужжатга биноан, ҳар йили, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхона, ширкат ва фермер хўжаликларида баҳор ҳамда куз ойларида турли хил мевали ҳамда манзарали кўчатлар экиш режалаштирилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси мутахассисларининг маълумотларига кўра, эндиликда ҳар йили белгиланган топшириқлар зиёди билан бажарилмоқда. Шундай экан, экилган ниҳоллар парвариши қай аҳволда? Қанчаси униб чиқди?

Ахир, халқимиз "Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб" деб бежиз айтмаган. Биз шу мақсадда Тошкент вилоятининг "Угом-Чотқол" давлат табиат миллий боғи бошқармаси фаолияти билан танишдик. Бу йирик жамоанинг асосий вазифаси ўрмонлар барпо этиш, республикамизнинг барча вилоятларига терак, игна баргли, манзарали, мевали дарахтлар ва гуллар етказиб беришдан иборат. Бошқарманинг ҳудуди эса 574 минг гектар бўлиб, унинг таркибига "Бурчмулла", "Оҳангарон" ўрмон хўжаликлари ва "Чотқол" биосфера қўриқхонаси киради.

Бошқармада жорий йил баҳорида 77 мингдан ортиқ дона терак, 48 мингга яқин туп мевали ва ёнғоқ кўчатлари экиш режалаштирилганди. Ана шу топшириқ ортиғи билан уддаланди. Муҳими, ҳозир ниҳоллар баравж ўсмоқда. Сабаби — уларни парваришлашга алоҳида гуруҳ масъул этилган. Ишчиларнинг айтишича, «Тошкент-Чорвоқ» йўли бўйларида шовиллаб турган тераклардан яна 7-8 йилдан кейин ёғоч-тахта маҳсулотлари сифатида фойдаланса бўлади.

Одатда, тўлиқ агротехника қоидалари асосида парваришланган сувли майдонлардаги ниҳолларнинг кўкариш даражаси 81 фоизни ташкил қиладиган. Эътиборлиси, миллий боғ ҳудудида бу кўрсаткич бирмунча юқори. Теракларнинг нави 120 хилдан зиёд.

Бундан ташқари, бошқармага тегишли 70 минг гектардан ортиқ ўрмонзор мавжуд. Кейинги пайтда азаматлар янги ўрмонзорлар барпо этишга ҳам алоҳида эътибор беришаяпти. Жумладан, сўнгги йилларда бу ерда 1135 гектар майдонда ўрмонлар яратилди.

— Бизда ҳар йили 30 турдан зиёд 3,7 миллион тупга яқин кўчат етиштирилиб, шартнома асосида вилоятларга етказиб берилади, — дейди бошқарма бош директори Абдикарим Абдижамилов. — Ниҳолларнинг унувчанлик даражаси юқорилиги ва барча стандарт талабларига жавоб бераётганлиги туфайли уларга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Айни чоғда, жамоамиз кўкаламзорлаштириш, манзарали кўчатлар ва гуллар етиштиришда ҳам катта тажрибага эга. Шу боис пойтахтимиз ҳамда бошқа шаҳарларда бунёд этилган замонавий биноларнинг атрофини кўкаламзорлаштиришда ҳам иштирок этмоқда.

Таассуфки, республикамизнинг айрим ҳудудларида баҳор ва куз ойларида ўтказилган манзарали ва мевали дарахтларнинг бир қисми ёз фасли бошланмасдан қуриб қолаётгани сир эмас. Бу жойлардаги мутасаддилар "Угом-Чотқол" давлат табиат миллий боғи бошқармаси жамоасидан ўрнак олсалар, чакки бўлмас эди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Халқаро маданият карвонсаройида "Биз иллатларга қаршимиз" мавзуидаги плакатлар кўргазмаси очилди. Унда 50 дан зиёд таниқли ва ёш ижодкорлар ўз асарлари билан қатнашдилар.

Биз иллатларга қаршимиз

Кўргазмага аввалдан эълон қилинган танловда ғолиб бўлган асарлар қўйилган бўлиб, уларда чекиш, гиёҳвандлик, ОИТС ва терроризм каби иллатларнинг оқибати очиб берилган. "Биз чекишга қаршимиз", "Ўз ҳаётингни бадном қилма!", "Васият: ўғлим, менинг гуноҳларимни такрорлама", "Вайрон эмас, бунёд қилайлик" деб номланган асарлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Бу каби кўргазмаларнинг ташкил этилиши биз — ёш ижодкорлар учун мактаб бўлди, — дейди танлов иштирокчиси Сардор Аҳмедов. — Тўғрисини айтсам, танловнинг гранприсига эга бўламан, деб ўйлагандим. Бу ердаги суратларни кўриб, йўл қўйган камчиликларимни ҳам илғаб олдим. Келажакда эса ҳар томонлама мукаммал асарлар яратишга ҳаракат қиламан.

Тадбирда энг сара асарлар муаллифлари — Акром Баҳромов, Улуғбек Икромхўжаев, Носир Ҳусанов, Олеся Нуштаева каби рассомлар эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Икки палатали парламентга ўтганимиздан кейин ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида қонунлар мукаммаллигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Зеро, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий секторни янада эркинлаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

2005 йил мобайнида тадбиркорлик соҳасида мамлакатимиз Президенти имзолаган бир қатор фармон ва қарорлар ҳам фуқаролик жамияти шароитида янгича қарашларни шакллантиришга асос бўлади. Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бу борада катта иш кетмоқда.

ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНИ

Депутат сўзи

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Юртбошимиз фармон ва қарорларини ҳаётга татбиқ этишнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида Олий Мажлис қуйи палатасига "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қонунчиликда белгиланган тартибда киритилди.

Мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг 38 та қонун ҳужжати, 32 та Қонуни, 5 та кодекси ҳамда Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган Низом ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси масъул қилиб белгиланган. Бу ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этиш билан бирга ҳуқуқий тизимни янада либераллаштириш, тадбиркорликни эркинлаштиришнинг қонуний асоси сифатида хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатдан қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллашни назарда тутувчи қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда:

— фаолиятни тугатиш, шу жумладан ерга, ер қаъринг участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш;

— фаолиятни тўхтатиб қўйиш, шу жумладан корхоналарни ишлатишни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтаб қолишига олиб келадиган тарзда тўхтатиб қўйиш, инвестиция институтларига қимматли қоғозлар бозорида айрим операцияларни ўтказишни чеклаб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа хавф-хатарлар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно;

— банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно;

— молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек — тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно; — ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш; тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно), шу жумладан, табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар, корхоналарнинг эркин иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини бекор қилиш.

Навбатдаги йўналиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган Фармони ва 2005 йил 26 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ тегишли қонун ҳужжатларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда:

— тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш ваколатини судларга ўтказиш. Тадбиркорлик субъектининг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиши ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаши ҳоллари бундан мустасно;

— молиявий жарималар миқдорларини камайтириш; айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслардан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклаш;

"Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисобланмаслиги ҳамда пеня миқдори тадбиркорлик субъектининг тегишли солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қўшимча киритилиши таклиф қилинаяпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда:

— кодексга қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини киритиш (215²-модда). «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонуннинг 31- моддасида қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жарималар шаклида жавобгарлик чоралари белгиланган. Президент Фармонидан келиб чиқиб молиявий жарималар шаклидаги жавобгарлик чоралари қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учунгина қўлланилаяпти. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари учун жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик натижасида зарар етказилган ёки етказилмаганлигига қараб, мансабдор шахслар ва жисмоний шахсларга юкланаяпти;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодексларига қуйидаги ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда:

— солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг бюджетга кам тушишига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар учун фақат қўшимча ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасига пеня ҳисоблаш шаклидаги молиявий жарима қўлланиши, кирим қилинмаган товарлар сақланган ёхуд реализация қилинган товарлар (хизматлар, ишлар) учун олинган пул тушумини яширилган (камайтирилган) ҳоллар бундан мустасно;

— солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича шубҳалар, зиддиятлар ва ноаниқликлар топилган тақдирда тадбиркорлик субъектлари фойдасига талқин қилиниши;

— тадбиркорлик субъекти томонидан судга даъво аризаси берилганда солиқ органлари томонидан ўтказилган текширув далолатномаси бўйича шикоят қилинаётган қарор ижросини ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва пеня қисмида тўхтатиб турилиши;

— юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан божхона қонунчилигини бузганлик учун ушбу Кодексда назарда тутилган жарималар (иқтисодий санкциялар), агар ушбу қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган бўлса қўлланилиши.

Айни пайтда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида","Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг айрим ваколатларини аниқлаштириш, норматив ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиш ҳолатларини (озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддатини асоссиз узайтириш ва бошқалар) олдини олиш, товарда камчилик аниқланган тақдирда сотувчи (тайёрловчи) зиммасига уни алмаштириб бериш мажбуриятини юклаш.

Президентимиз Фармонларида белгиланганидек, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта, қасддан содир этилмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда бегиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўллаш, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектларидан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклаш орқали тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратиш қонун лойиҳасида асос қилиб олинган.

Бахтиёр СОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

"Халқ сўзи" назоратида

Нафақа ундирилди, айбдор бўшатилди

Чироқчилик М.Эшманова "Янгиҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фарзанди учун 2 ёшгача тайинланган нафақа пулини Халқ банкининг 084-сонли шохобчасидан ўз вақтида ололмаётгани ҳақида таҳририятимизга ариза йўллаганди. Мазкур шикоят хати юзасидан Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Назаров имзоси билан шундай жавоб олдик:

"М.Эшмановага 2005 йилнинг октябрь ва ноябрь ойлари учун Халқ банкининг 084-сонли шохобчаси кассири Ж.Муродуллаев ва ҳисоб-китоб назоратчиси А.Азимовнинг айби билан нафақа пули берилмаётгани аниқланди.

Фуқарога тўланмай келинаётган нафақа пуллари тўлалигича шохобча томонидан ундириб берилди. Ушбу ҳолатга йўл қўйган ходимлар эса Халқ банки бош бошқармасининг буйруғи билан ишдан бўшатилди".

Фермер — қишлоқда бош ислоҳотчи

Нурота туманида 600 дан зиёд фермер хўжалиги бўлса, шулардан 400 тасида лалми майдонда ғалла етиштириш бўйича ўзига хос мактаб яратилган.

Обрўйнинг обрўйи

Гап шундаки, уларнинг ихтиёрида 200 тадан кўпроқ артезиан қудуғи бўлиб, айримларининг чуқурлиги 80-100 метргача етади. Сув эса электр насослари орқали чиқарилади. Ана шу ер қаъридаги оби-ҳаётдан унумли фойдаланиб, ҳар йили мўл-кўл мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштираётган фермерлар талайгина. «Карим Жуман» фермер хўжалиги раиси Обрўй Жуманов — шулардан бири.

Бу жамоанинг 260 гектар экин майдони тоғ ён-бағирларига туташ сайхонликларда жойлашган. Шундан 60 гектари шартли суғориладиган бўз ер бўлиб, фермер 20 гектар ғаллазордан йилига 60 центнергача сара дон етиштиради. 10 гектар лалми майдонга қадалган сувсизликка чидамли «Қизил шаршара» буғдой нави уруғидан эса гектар ҳисобига 20 центнердан уруғлик дон йиғиштириб олади. Бундан ташқари, у лалми ерларда беда, рапс ва масхар каби экинлар экиб, улардан ҳам мўл ҳосил етиштирмоқда.

Айниқса, Обрўй аканинг бедачилик борасидаги тажрибаси диққатга сазовор.

— Беда — кўп йиллик озуқа экини, — дейди у. — Аммо тўйимлилиги, серҳосиллиги жиҳатидан озуқа экинлари орасида етакчи ўринда туради. Бир йилда бедани уч-тўрт маротаба ўриб, кўк майса ёки силос ҳолида чорвага едириш мумкин. Шу боис биз уни суғориладиган ва лалми ерларга экиб, кўп миқдорда озуқа жамғаришга эришаяпмиз. Илгари уруғликни Самарқанд ва Андижон шаҳарларидаги заводлардан келтирардик. Тажриба лабораторияларда дориланган беда уруғи икки йилгина ҳосил беришини кўрсатди. Шундан кейин Қўшработ туманидаги танишларимдан суриштириб, тоғлик деҳқонлар томонидан сақлаб қолинган энг серҳосил беда навининг уруғини топдим. Бурноғи йилдан бошлаб эса беда уруғини ўзимизда тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик.

— Президентимиз Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари чоғида қишлоқ мулкдорлари — фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи билан қизиқдилар, — деди у пировардида. — Айниқса, Юртбошимизнинг «Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланган давлатларда синовдан ўтиб, ўзини оқлаган, самарали йўлни — фермерликни танладик. Қисқа фурсатда бу усул ўз самарасини бера бошлади. Фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиб, тўғри қилганимизни ҳаёт исботламоқда» деган сўзлари бизни руҳлантириб юборди. Ўтган 2005 йилда жамоамиз 10 миллион сўм соф фойда олган эди. Бу йил ана шу кўрсаткични икки баравар оширмоқчимиз, шифохона ва болалар боғчасига эса кўплаб миқдорда гўшт етказиб бермоқчимиз. Айни кунларда биз шундай эзгу ниятда ишлаяпмиз.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
журналист.

Ахборот технологиялари таълими такомиллашади

Мамлакатимизда халқаро ТЕМПУС дастури ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда. Ушбу дастур Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, олий ва ўрта махсус таълим тизимини юксак замонавий талаблар асосида ислоҳ қилишда фаол қатнашмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг ўнлаб олий ўқув юртларида ана шу халқаро дастур манбаида кўпгина лойиҳалар амалга оширилляпти. Жумладан, Тошкент автомобиль йўллари институти (ТАЙИ) Швециянинг Қироллик технология институти (ҚТИ) ва Италиянинг Турин политехника институти билан "JEP-UM-24167-2003" — "Ахборот технологиялари бўйича малака ошириш" лойиҳасини рўёбга чиқариш юзасидан ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро лойиҳа

Шу мақсадда ТАЙИ қошида "Республика олий ўқув юртлари ходимларининг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш маркази" ташкил этилди. Ахборот технологиялари маркази, лойиҳа талабларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий техника ва компьютерлар тизими билан жиҳозланган. Марказда бир қатор курслар ташкил этилган, уларда тингловчилар учун ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар олиб борилмоқда. "Компьютер саводхонлиги", "Интернетда ахборот қидируви", "Fron Page ёрдамида Веб-дизайн яратиш асослари" ҳамда "Компьютерда автоматик лойиҳалаштириш тизими" деб аталган бу курсларда нуфузли хорижий олий таълим марказларида малака ошириб келган мутахассислар машғулотлар олиб борадилар.

Бизнинг ушбу марказ фаолияти тўғрисидаги саволларимизга жавоб бераркан, унинг раҳбари, техника фанлари номзоди ҳамда лойиҳа координатори Сулаймон Эшқобилов, жумладан, шундай дейди:

— Марказ қошидаги курсларда шу кунгача 400 дан кўпроқ киши таълим олди. Мавжуд тўртта курсдан ташқари яқинда "Компьютердан математик моделлар яратишда ва амалий тажриба натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш" деб аталган янги, бешинчи курсни ҳам ташкил этдик. Ҳозирги тараққиётни инобатга олсак, бу жуда зарур. Лойиҳа мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим тизими профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқарув ташкилотлари ходимларининг ахборот технологиялари бўйича халқаро миқёсдаги энг сўнгги билим ва маълумотлар ҳамда тажрибалар билан танишувига кўмаклашади.

— Шогирд устоздан ўзсагина юксалиш бўлади, — дейди курс тингловчиларидан бири, профессор Ғ.Ҳожиматов. — Қарангки, Марказда фаолият олиб бораётган мутахассис ёшлардан биз кўпгина янгиликларни ўзлаштирдик. Келажакда улар катта ютуқларга эришади, бунга ишонаман.

Шу йилнинг 26 май куни анъанавий "ТЕМПУС кунлари"нинг навбатдагиси Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги мана шу Марказда ўтказилди. "ТЕМПУС давра суҳбати" деб аталган ушбу анжуманда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "ЎзбюроКЕС" ташкилоти масъул вакиллари ҳамда пойтахтдаги ва вилоятлардаги олий таълим муассасаларидан кўпгина профессор-ўқитувчилар ва Темпус дастуридаги турли лойиҳаларнинг координаторлари иштирок этдилар. Давра суҳбатида олий ўқув юртларида ахборот технологиялари таълимини юқори босқичларга кўтаришнинг долзарб масалалари ҳамда Темпус дастури лойиҳаларидаги янгиликлар, шунингдек, "JEP-UM-24167-2003" лойиҳаси асосида бажарилган ишлар ва навбатдаги режалар тўғрисида атроф-лича фикр алмашилди.

М.САФАРОВ.

Шифокор огоҳлантиради

Озодалик — соғлиқ гарови



Юртимизда иссиқ кунлар бошланди. Ёз ойлари инсон организмида маълум иммунобиологик ўзгаришлар, яъни ҳимоя воситаларининг кучсизланиши кузатилади. Бу, ўз навбатида, ўткир юқумли ичак касалликларининг кўпайишига сабаб бўлади. Қўзғатувчисининг турига қараб мазкур касалликлар ичбуруғ, ичтерлама, иерсинеоз каби номлар билан аталади.

Одатда, бозорларда хўл меваларни харид қилишдан олдин мазасини татиб кўрамиз. Бундай ҳолларда юқоридаги каби касалликларга чалиниш ҳеч гап эмас. Шунингдек, ошқозон-ичак касалликлари яхши сақланмаган овқатларни истеъмол қилганда, шу касаллик билан оғриган бемор билан мулоқотда бўлганда ҳамда болалар очиқ сув ҳавзаларида чўмилган пайтларда, қайнатилмаган сувларни ичиш натижасида келиб чиқади. Баъзан чақалоқларга бериладиган сут маҳсулотлари ёки сунъий овқатларнинг ортиқчасини шишаси билан қайнатилган сувга солиб қўядилар. Бу эса микробларнинг кўпайиши учун қулай шароит яратади.

Юқумли ўткир ичак касалликлари тарқалишининг яна бир сабаби пашшалардир. Улар ифлос жойларда кўпайиб, касаллик қўзғатувчи микроорганизмни илаштириб олади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига қўниб, микроблар тарқатади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари билан оғриган кишиларда тана ҳароратининг юқори бўлиши, ич кетиши, қайт қилиш кузатилади. Ушбу аломат натижасида беморнинг танаси сувсизланиб, оғир асоратлар, баъзан ўлим ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин.

Бу касалликни "ифлос қўллар касаллиги" деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун, аввало, озодаликка риоя қилиш талаб этилади. Ишда, жамоат жойларида, уйда шахсий гигиена қоидаларга амал қилиш керак. Кўпроқ қайнатилган сув ичиш тавсия этилади. Агарда оилангизда бирортаси шу касаллик билан оғриган бўлса, бемор фойдаланган идиш-товоқларни тоза тутинг. Ёш болаларни овқатлантиришда, атроф-муҳитда ва аҳоли умумий фойдаланадиган жойларда доимо озодалик-саришталик бўлсин.

Қайд этилган талаб ва мулоҳазалар кўпчиликка маълум. Уларни адо этиш қийин ҳам эмас. Зеро, ушбу қоидаларни мунтазам ва бекаму кўст бажариш керак бўлади.

Нуриддин ТОШБОЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорат хизматининг ходими.

2006 йил 30 июнь – 1 июль кунлари Голландиянинг Утрехт шаҳрида

«All Holland Dairy Show» ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.



Бу ярмарка қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг катта ярмаркалардан бўлиб, унда Голландия ва бошқа мамлакатларнинг 100 дан ортиқ компаниялари иштирок этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган замонавий технологиялар ва дастгоҳлар ушбу ярмаркада кенг намойиш этилади. Ҳар йили бу ярмаркага дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан 20.000 дан зиёд тадбиркорлар, фермерлар ва шу соҳа мутахассислари ташриф буюрадилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг «TEXNOEKSIMINVEST» унитар корхонаси мамлакатимиз тадбиркорлари, фермерлари ва шу соҳа вакиллари учун ушбу ярмаркага 28 июндан 4 июлгача ташриф уюштиришни мўлжаллаган. Ташриф давомида Голландиянинг йирик агрокомпаниялари фаолияти билан танишиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ярмарка бўйича қўшимча маълумотларни www.nrm.nl сайтидан олишингиз мумкин.
Ярмаркада иштирок этишни хоҳловчилар жорий йилнинг 10 июнигача мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун шахслар:
Алишер Пўлатов, Бахтиёр Мираҳмедов.
Телефон: (998-71) 132-08-95.
Факс: (998-71) 133-78-42.
E-mail: texnoeksiminvest@mail.ru

Манзилимиз: 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бухоро к., 6-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ



КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ, ДАСТУР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУТАХАССИСЛАРИНИ ЎҚИТИШ УЧУН

маҳаллий ва хорижий етказиб берувчиларни, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарини (юридик шахслар)

тендерда иштирок этишга таклиф этади.

Тендер ўтказилиши тартиби ҳақидаги маълумотни ва тендер ҳужжатларини ишчи гуруҳидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.
Телефонлар: 144-97-14, 144-97-66, 144-97-57, ички телефонлар: 714, 766, 757. Факс: 144-22-96.

Талабгорлардан тендернинг дастлабки квалификацион танловдан ўтиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида, тендер таклифлари 30 кун мобайнида ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Илк бор Ўзбекистонда TÜV NORD Group (RWTÜV)

«Корхонада мотивацион муҳитни яратиш» курсини ўтказади

TÜV NORD
Better. Closer. More.

Корхоналар раҳбарларининг яхши натижаларга эришишларида улар қўл остида меҳнат қилаётган ишчилар муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, мотивацион механизмнинг мавжуд эмаслиги ходимларнинг совуққонлик билан меҳнат қилишларига, ўз вазифаларига бепарволик билан ёндошишларига, ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришишида масъулиятсизлик қилишларига олиб келади.

Ходимларга мос келадиган тизим, бу нафақат рағбатлантиришнинг тўғри механизми, у шунингдек, номоддий чоралар тизими, ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги ошишига, корпоратив маданиятни ташкил этишга, корхонада ижтимоий-психологик муҳитни яхшилашга, натижада ходимларнинг компания равнақи учун хушкайфият ва хоҳиш билан ишлашларига таъсир кўрсатади.

Биз мазкур курсни ўтказиш учун Россиянинг йирик саноат корхоналарида, шу жумладан, «Ижорский завод» саноат корхонасида кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш тизими асосчиси, кемасозлик саноатига кадрларни тайёрлаш бўйича маслаҳатчи, Санкт-Петербург меҳнат бозорини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи аъзоси, «Адмиралтейские верфи» институтининг илмий кенгаши аъзоси, «Цестра» стратегик ривожланиш маркази бош директори Инна Семёновна Красовицкаяни таклиф этганмиз.

«Sert Management» МЧЖ — TÜV NORD Group (RWTÜV)нинг Ўзбекистондаги расмий ҳамкори ва вакили.
Тел./факс: (99871) 152-76-71, 152-18-93.
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz
www.sert-management.uz

Курс Тошкент шаҳар халқаро бизнес марказида бўлиб ўтади.

2006 йил 26 июндан 30 июнгача.
www.sert-management.uz

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности

НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ

Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) 8-40 зон – от 108 000 сум.

Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России) – от 10 000 сум.

ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО – ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ
по цене от 11 000 сум. за датчик Ів215 и 150 000 сум. за панель SYS2316

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site: www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили
ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси
ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон
ГАЗ 2752, Инкассация автомобили
ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши – 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши – 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустаҳоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

KLPT ИМТИҲОНИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Korean Language Proficiency Test

Имтиҳон куни — *2006 йил 30 июль.*

Ҳужжат қабул қилишнинг бошланиши — *2006 йил 1 июнь.*

Ҳужжат қабул қилишнинг охирги куни — *2006 йил 30 июнь.*

Ҳужжат қабул қилиш жойи — *Ўзбекистон,* Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» тест маркази.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 142-45-80.

Корея Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш ҳамда Кореяга ишга борувчилар учун.

http://www.klpt.com

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун

ШИНА

таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.

Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

Спорт

Чемпионат юксак савияда ўтди

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси бир ҳафта давомида футзал мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда ўтказилган VIII Осиё чемпионатида қитъамизнинг 16 та кучли жамоаси ғолиблик учун баҳс юритди.

Ҳамюртларимиз гуруҳ беллашувларида Малайзия, Хитой ва Хитой Тайпейи мамлакатлари терма жамоаларини осонликча мағлубиятга учратиб, ярим финалга етиб келишди. Ярим финалда Қирғизистон жамоаси устидан қозонилган ғалаба вакилларимизни финалга олиб чиқди. Финалда етти карра Осиё чемпиони Эронни доғда қолдирган Япония жамоаси ўзбекистонликларга рақиб бўлди.

Учрашувнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтди. Иккинчи бўлимни анча кўтаринки кайфиятда бошлаган Япония футзалчилари ҳамюртларимиз дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни юзага келтира бошлашди ва ҳисобни очишга муваффақ бўлишди (0:1). Ўтказиб юборилган голдан сўнг терма жамоамиз мураббийлари ўйновчи дарвозабон билан ҳаракат қилишни маъқул кўришди. Мураббийларнинг бу тактикаси ўзини оқламади, якуний ҳисоб 1:5 — Япония фойдасига. Ҳамюртларимиздан ягона тўп муаллифи Анвар Мамедов бўлди.

Шундай қилиб, футзал бўйича VIII Осиё чемпионати олтин медалини Япония жамоаси қўлга киритди. Кумуш медаль Ўзбекистон футзалчиларига насиб этди. Қирғизистон жамоасини 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратган Эрон футзалчилари бронза медаллари билан тақдирланишди.

Мусобақалар сўнггида тафсилотлар ҳақида иштирокчилар билан мулоқотда бўлдик:

— Қитъа чемпионати юқори савияда ташкиллаштирилди,— дейди Эрон терма жамоаси бош мураббийси, бразилиялик таниқли мутахассис Дутра. — Учрашувларнинг аксариятида мухлислар зални тўлдириб, жамоаларни олқишлаб туришди. Футзал ишқибозлари кўпаяётганлиги бизни қувонтиради. Энди бевосита Эрон терма жамоасининг мусобақалардаги иштироки ҳақида тўхталадиган бўлсак, биз чемпион бўлиш учун бу ерга келгандик.

— Жамоа ютқазгандан кейин турлича гап-сўзлар кўпайиши тайин, — дейди Ўзбекистон терма жамоасининг тажрибали ўйинчиси Абдулла Бўриев. — Биринчи бўлимда Япония билан тенг ўйнадик. Дарвозабонимиз Рустам Умаров ҳам яхши ўйин намойиш этди. Лекин бугун Японияга омад кулиб боқди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

«Севинч» қизлари

— Кеча газетада ўқиб қолдим. Вилоятимизнинг хотин-қизлар футбол жамоаси мамлакат чемпиони бўлибди. Улар қаерда ўйнашаркан, мен ҳеч кўрмаганман.

— «Севинч»ни айтаяпсиз-да. Қарши тиббиёт коллежининг футбол майдонида шуғулланади. Лекин ўйинларни негадир бошқа вилоятларда ўтказади. Ўзимизда аёллар футболи мусобақаларини ўтказиш учун мос стадион бўлмаса керак.

Футбол ишқибозларининг бу суҳбати мени қизиқтириб қўйди. Дарҳақиқат, мамлакат аёллар футболида етакчи мавқега эга бўлган «Севинч» жамоасининг ўйинини кўришга ишқибозлар кўп. Унинг эришган натижалари ҳам яхши.

— Жамоамиз 2003 йилда ташкил топган эди, — дейди «Севинч» футбол клуби раиси Абдурахмон Юмангулов. — Ўша йилиёқ мамлакат биринчилигида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалга сазовор бўлдик. 2004 йилда мамлакат чемпионлигини қўлга киритдик. Кубок учун бўлган мусобақаларда финалгача бориб, андижонликларга ютқаздик. Ўтган йили эса чемпионатда иккинчи бўлдик, мамлакат кубоги учун беллашувларда ғолиб чиқдик. Бу йилги режаларимиз ҳам катта. Ҳам чемпион, ҳам қубок эгаси бўлиш ниятимиз бор.

Ўз олдига бундай катта мақсадларни қўйиш учун мустаҳкам асос керак, албатта. Агар ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилмаса, «Андижанка» ва «Гулбаҳор» каби тажрибали жамоаларни ортда қолдириш қийин. Бунинг устига, Навоий, Самарқанд вилоятларида ҳам хотин-қизлар футболи тез ривожланмоқда. «Севинч» қизларининг жисмоний ва тактик машғулотларга муносабатини кўриб, жамоа раҳбари бежизга юксак марраларни кўзламаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Бош мураббий В.Хан бошчилигида машқ қилаётган асосий таркиб футболчилари ўз маҳоратларини ошириш йўлида тиним билишмайди. Тажрибали футболчи Гулнора Аъзамова – жамоа сардори. Элмира Гулямова ҳам тажрибада ундан қолишмайди. Улар машғулотларда ҳам, ўйин пайтида ҳам ёшларни ўз ортидан эргаштиришади, шахсий намуна кўрсатишади. Жамоанинг етакчи ўйинчиларидан Камола Усмонова, Маҳфуза Туропова ва Олия Аҳмедованинг футбол майдонидаги ҳар бир ҳаракати машқларда қиёмига етказилади.

Бош мураббийнинг таъкидлашича, аёллар футболи эркаклар футболидан жиддий фарқ қилади. Буни, энг аввало, аёлларнинг жисмоний имкониятлари даражаси билан изоҳлаш мумкин. Лекин футболчиларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳисобига ўйинларнинг савиясини кўтариш мумкин. Ҳали аёллар футболида чинакам профессионализм етишмайди. Бунда гап футболчиларнинг спорт маҳорати ҳақида эмас, касбга муносабати тўғрисида кетаяпти. Мураббийлар шу йўналиш бўйича ишлашмоқда.

6 футболчи миллий терма жамоа таркибига кирган. Ёшлар терма жамоасида эса 10 футболчи, ўсмирлар термасида 8 футболчи бор. Буларнинг барчаси «Севинч»нинг мамлакат хотин-қизлар футболидаги мавқеи баланд эканлигидан далолатдир.

Жамоада ёш футболчиларни тарбиялаб етиштиришга катта эътибор берилмоқда. 40 нафар қиз машғулотларда мунтазам қатнашиб, футбол сирларини эгаллаяпти. 16 ёшгача ва 14 ёшгача қизлардан иккита заҳира гуруҳи тузилган. Уларга Баҳром Норсафаров ва Зилола Раҳматова устозлик қилишмоқда.

Тиббиёт коллежининг спорт зали ва футбол майдонида берилиб машқ қилаётган бу қизлар ҳадемай асосий таркибни тўлдиришга ишонса бўлади. Бугунги кунда «Севинч» мамлакат термасининг таянч жамоасига айланди.

«Севинч» қизлари мавсум оралиғида минифутбол бўйича ҳам мамлакат биринчилигида қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. 2005 йилда чемпионлик унвонини қўлга киритишган эди. Бу йил ҳам Чирчиқ шаҳрида бўлган финал ўйинларидан олтин медаль билан қайтишди. Ўтган йили асосан «Севинч» футболчиларидан иборат мамлакат терма жамоаси Осиё ўйинларида қатнашиб, қитъада энг кучли эканликларини исботлашган эди. Минифутбол мусобақалари жамоанинг мавсумга яхши тайёргарлик кўриб келишида муҳим омил бўлмоқда.

«Севинч» мамлакатмиздаги 4 та аёллар профессионал футбол клубларидан бири. Профессионал клубнинг ўз талаблари бор. Улардан энг муҳими — барқарор молиявий таъминотдир. Дастлабки пайтда клубга Қарши Давлат университети ва Қарши тиббиёт коллежи муассислик қилган бўлса, кейинчалик уларнинг сафига иқтисодий бақувват Шўртан газ-кимё мажмуи ҳам қўшилди. Натижада футбол жамоасининг машғулотларни, расмий мусобақаларни ўтказиш, ўйинчилар заҳирасини тайёрлаш билан боғлиқ барча муаммолари ҳал бўлди.

Биз «Севинч»нинг ўйинларини Қаршида қачон томоша қила оламиз?

Менинг бу саволимга жавоб берар экан, Абдурахмон Юмангуловнинг кайфияти кўтарилиб кетди:

— У кун узоқ эмас. Шўртан газ-кимё мажмуи биз учун доимий спорт базаси қураяпти. Қарши шаҳридаги «Геолог» ўйингоҳи аёллар футболига мосланиб, реконструкция қилинмоқда. Унда футболчилар учун ётоқхона, тренажёр зали, ёпиқ мини футбол майдони бўлади. Томошабинлар учун минбарларнинг ҳам усти ёпилмоқда. Хуллас, у ерда футбол жамоасининг машқ қилиши ва мусобақаларни ўтказиши учун ҳамма шароит бўлади. Жаҳон андозаларига мос бу спорт мажмуасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, мамлакат биринчилигининг бир босқичини шу ерда ўтказамиз, деб ният қилиб турибмиз.

Ҳа, «Севинч» бугун қашқадарёлик мухлисларини ўз ғалабалари билан қувонтирмоқда. Эрта-индин ўз майдонидаги чиройли ўйинлари билан уларнинг қалбига қувонч бахш этишига ҳам ишонса бўлади.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари!

«MOLSEM GROUP»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F 1 Молдавия селекция гибридларининг

маккажўхори уруғларини

етказиб беришни таклиф этади.

Гибридга боғлиқ ҳолда пишиб етилиш даври — 75-77 кун.
Дон ҳосилдорлиги гектаридан 60-90 центнер, силос массаси — гектаридан 400-500 центнер. Дон таркиби 10,6% — оқсил, 3,9% — ёғ ва 71,4% — крахмалдан иборат.
Маккажўхори уруғлари сараланган, инкрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунгициди билан дориланган ҳамда 25 кг ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган.



Мурожаат учун маълумот:
700000, Тошкент ш., Пушкин к., 59-уй.
Тел. (+998 71)137-11-67, факс: (+998 71)137-11-49.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ
«AGRIXIM»
ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовлижойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" девонига тартиб берилганига 510 йил тўлгани муносабати билан Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида тадбир бўлиб ўтди. Унда навоийшунос олим ва шоирлар сўз олиб, ҳазрат ижоди борасида маърузалар қилдилар.

«Маънолар хазинаси» 510 ёшда

Тадбир доирасида филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг "Хизр чашмаси" номли китоби тақдимоти ўтказилди. Олим ўз тадқиқотларида улуғ шоирнинг тафаккур гавҳарларини кашф этиш орқали улардан баҳраманд бўлиш дилга қувват, руҳга мадад бағишлашини, Навоийни англаш бизни комилликка етаклашини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Шунингдек, анжуман доирасида Алишер Навоий асарлари, жумладан, "Хазойин ул-маоний"нинг турли қўлёзма ва босма нашрларидан иборат китоблар ҳамда Нажмиддин Комилов ижодидан намуналар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги тугатилаётган М.Фозилов номли ширкат хўжалигидаги чорва фермаси очиқ кимошди савдоси орқали сотувга қўйилмоқда.

Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган шахслар маълумот олиш учун ширкат хўжалигидаги махсус комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

«O'ZTASHQINEFTGAZ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«O'ZTASHQINEFTGAZ» ОАЖ Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, 2006 йил 26 май куни ўтказилиши белгиланган акциядорлар умумий йиғилиши кворум бўлмаганлиги сабабли 2006 йил 30 майга қолдирилади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Hyundai Football World Championship

DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY



Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden

Ўзбекистоннинг «TURONIMPEKS SERVIS» компанияси Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги РАСМИЙ ВАКИЛИ

Сизга Volvo русумидаги умумий вазни 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биноан етказиб беришни кафолатлайди.

Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-«А» уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Телефакс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com

Маҳсулот сертификатланган.

«NG SERVICE» МЧЖ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

ISO 9001
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси институт масъул ходими Нодир Мухторовга отаси **Илҳомжон МУХТОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Халқаро иқтисодиёт кафедраси доценти Комуна Жўраевага онаси **Зебо ЖЎРАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси «Силикат материаллар технологияси» кафедраси доценти, техника фанлари доктори Мастура Ориповага онаси **МУКАМБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Кўпирикқурилиш» трести жамоаси трест бошқарувчиси Гофуржон Муҳамедовга онаси **САНОБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20 23456